

УДК 94

THE ROLE OF "AL-IZOH" MAGAZINE IN THE HISTORY OF TURKISTAN BROADCAST

M. Sayfullaev¹*Abstract*

This article is devoted to the information on historical changes in Turkistan after the February events of Russia in 1917. The people of Turkistan, particularly its active national educated persons had been joined to the organizations with aim of different political purposes, and they began trying on the base of program. The religious, scientific, literary and social «Ал-Изоҳ» journal had been published in Tashkent once in a week. The first number of this journal was published on the 19 th June, 1917. In the first publication the responsible person for publishing had given its purposes.

Key words: February events, publication, religious, policy, national educated people, organization, aim, outlook, society, task.

1917 йил Россияда рўй берган февраль воқеаларидан кейин империяни миллий чекка ўлкалари, жумладан, Туркистонда ҳам тарихий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Туркистон халқлари, айниқса унинг илғор вакиллари ҳисобланган миллий зиёлилар фаолиятларида ҳам турли етаклаш мақсадини кўзлаган зиёлилар айнан шу даврдан бошлаб сиёсий мақсадлар йўлида илк бор ташкилотларга уюшиб, дастур асосида ҳаракат қила бошладилар.

Тошкентда ҳафтада бир маротаба чиқадиган диний, илмий, адабий, ва ижтимоий-сиёсий нашр – "Ал-Изоҳ" журналини чиқара бошлади.

Мазкур журналнинг биринчи сони 1917 йил 19 июнь (Ҳижрий 1335 йил 13 рамазон)да чиқди. Абдумалик ҳожи Абдунабиев журналнинг ношири ва масъул мудирини бўлган. Авлиёоталик Мубашширхон ҳам маълум муддат мазкур журналга бош муҳаррирлик қилган. Журналнинг дастлабки сонидан бош муҳаррир Аҳрорхон маҳдум ушбу нашрнинг мақсадлари "ислом дини аҳкомини муҳофаза этмоқ ва тараққий ва тамалийсини (молиявий таъминлаш – С. М.) сарфу ҳиммат айламоқ, фуқаройи исломга аҳкоми динийга хусусида раҳбарлик этмоқ" эканлигини, таъкидлади. Шу билан бирга "халқни разолат, залолатдан сақлаб унинг илм ва маъриф йўлига ва роҳати дунёвий ва саодати ухровийга йўлловчи, уларнинг диний-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва миллий ишларга мутакафил бир журнал" эканлигини маълум қилади. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда журнал ўз саҳифаларида даврнинг диний-ахлоқий, маданий-маърифий масалаларни шу билан бирга, долзарб иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муоммоларни ёритиб беради.

Яъни бу мажалланнинг аъзама мақсади, ахсос омили дини мубаййини исломнинг ҳимоя ва аҳкомини муҳофаза этмак ва тараққий ва тамалийсина сарфу ҳиммат айламоқ ва фуқаройи исломга аҳкоми динийга хусусида раҳбарлик этмак ва халқни разолат, сафолат, разолатлардин соқлоб, улум ва маориф йўлига ва роҳати дунёвий ва саодати ухровийга йўлламак".

Журнал ҳақида биринчи бўлиб Зиё Саид шундай дейди: Бу журнал ўз давомида "бетамизлик"ларни ишлади Янги замоннинг ашулаларини, янги усулларни, янги талабларни чириб битган дин фалсафалари билан ўраб туманлатиб кўрсатди. Шунинг билан бирга "бойга ҳурмат" кераклигини эълон

¹Сайфуллаев Мухаммадсодиқ – докторант, Институт узбекского языка, литературы и фольклора, Узбекистан.

қилишини ҳам эсдан чиқармади. Бу журнал – татар қора гуруҳларининг ношири афкори бўлган "Дин ва маишат журналининг изидан борди. Адади маълум эмас.

Ушбу нашрнинг мақсад ва вазифаси журналнинг муқовасида қуйидагича ифодаланган: "Ал-изоҳ: халқни китоб ва суннатга даъват этувчи, мужтаҳидуни киром ва фуқоҳон изом қавилларини татбиқан эътиқод ва амал қилувга тарғиб ва ҳам бидъатдин ижтиноб этувга таклиф қилувчи мажаллаи мубажжаладур".

Журналнинг фаол аъзолари, ўз даврининг диний ҳамда дунёвий илмлардан хабардор бўлган. Серали Лапин, Мулла Пирмуҳаммад Аълам, Абдумалик ҳожи Абдунабиев, Саид Аҳрорхон Маҳдум, мулла Тошпўлат қори, Шамс Нажмий Андижоний, мулла Ниёз Алибек, Мулла Қарабой Тўрақўрғоний, Саид Аҳмад Васлий Самарқандий, Аҳмадхўжа, Мулла Акмалхон, Сиддиқхўжа, эшон, Мулла Турсин Муҳаммад Аълам, Туркистоний, Мулла Исохон Аълам домла, Аҳрорхон Абдулла ўғли, Аловиддин маҳзун сингари шахслар эдилар.

Журнал 25x16,5 ўлчамдаги қоғозга босилиб ҳар бир сони 16-17-бетдан иборатдир. Бош бетида журнал номи, сони рақами, чиққан санаси (милодий ва ҳижрийда) ва шу сондаги мақолалар мундарижаси берилган. Унинг саҳифа рақамлари сондан сонга давом эттирилган. Шунга қўра 31 та сондаги саҳифалар сони 478 тани ташкил этади.

1917 йилда унинг 20-sonи (1-20-сонлари) ва 1918 йилда 11-sonи (21-31-сонлари), жами 31 та сони нашр этилган.

"Уламо жамити"нинг журнали "Ал-Изоҳ" Ишчиларнинг манфаатига жавоб бермагалиги учун 1918 йил 13 майда Туркистон Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг 243-сонли қарори билан тугатилади.

Бугунги кунда унинг мавжуд нусхалари Ўзбекистон Республикаси Давлат Миллий Китоб Палатаси ҳамда А. Навоий номи Республика Давлат кутубхонасининг "Нодир китоблар" бўлимида сақланмоқда.

Фойдаларилган адабиётлар рўйхати:

1. Туркистонли Абдулҳамид Сулаймон (Боку, 26 август, 1920) // Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). – Т.: Академия, 2000. – Б. 177.
2. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. Т: Университет, 1993. – Б.115-123.
3. Зиё Саид. Танланган асарлар. Т., 1974, 13-116-бетлар.
4. Зиё Саид. Танланган асарлар. - Т.: Туркистон. 1974. - Б, 44-45.
5. Ойина. 1913. №1
6. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2006. – Б. 154-155.
7. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. Т: Университет, 1993. – Б.115-123.
8. Назарова З. "Ал-ислоҳ" журнали – Туркистоннинг диний-маърифий ҳаётини ўрганишда ноёб манба // ТИУ илмий таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2006. - № 3. – Б. 34-36.
9. Туркистонли Абдулҳамид Сулаймон (Боку, 26 август, 1920) // Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). – Т.: Академия, 2000. – Б. 22.
10. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. - Т: Университет, 1993. - Б. 115-123.
11. Ўша манба. - Б. 118.
12. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. - Т: Университет, 1993. - Б. 115-123.
13. Туркистонли Абдулҳамид Сулаймон (Боку, 26 август, 1920) // Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). - Т: Академия, 2000. - Б. 23.
14. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. - Т: Университет, 1993. – Б. 115-123

© М. Sayfullaev, 2019